

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Qx/B.43.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ҒОФУРОВ ДИЛШОД УМАРАЛИЕВИЧ

**ҚИСҚА НАВБАТЛАБ ЭКИШ ТИЗИМИДАГИ ҒЎЗА ҲАМДА ТАКРОРИЙ
ЭКИН МОШ ВА МАККАЖЎХОРИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН МАЪДАН
ЎҒИТЛАР МЕЪЁРЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ (Тошкент
вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқлари мисолида)**

06.01.04 – Агрокимё

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2019 йил

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

Content of dissertation abstract of (PhD) on agricultural sciences

Гофуров Дилшод Умаралиевич

Қисқа навбатлаб экиш тизимидаги ғўза ҳамда такрорий экин мош ва маккажўхорида қўлланиладиган маъдан ўғитлар меъёрларининг самарадорлиги (Тошкент вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқлари мисолида)..... 5

Гафуров Дилшод Умаралиевич

Эффективность норм внесения минеральных удобрений на хлопчатнике, а также повторных культуре маше и кукурузе в системе коротко ротационного севооборота (на примере орошаемых типичных сероземов Ташкентской области)..... 21

Gafurov Dilshod Umaraletvich

The system of short-term sowing of cotton and the effectiveness of the norms of applying mineral fertilizers for double crops of mungbean and maize (typical for irrigated sierozem soils of the Tashkent region)..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 43

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Qx/B.43.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ҒОФУРОВ ДИЛШОД УМАРАЛИЕВИЧ

**ҚИСҚА НАВБАТЛАБ ЭКИШ ТИЗИМИДАГИ ҒЎЗА ҲАМДА ТАКРОРИЙ
ЭКИН МОШ ВА МАККАЖЎХОРИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН МАЪДАН
ЎҒИТЛАР МЕЪЁРЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ (Тошкент
вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқлари мисолида)**

06.01.04 – Агрокимё

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2019 йил

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.1.PhD/Qx161 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Тупроқшунослик ва агрохимё илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://www.soil.uz>) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (<http://www.ziyounet>) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мирзаев Лутфулло Арибжанович,
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим.

Расмий оппонентлар:

Хошимов Фарход Ҳакимович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор,
Самарканд Ветеринария медицина институти

Иминов Абдували Абдуманнобович
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим.
Тошкент давлат аграр унверситети

Етакчи ташкилот:

Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти

Диссертация химояси Тупроқшунослик ва агрохимё илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017./QxB.43.01 рақамли Илмий кенгашининг 2019 йил «__» __ соат ____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100179, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамаринсо кўчаси, 3- уй. Тел.:(+99871) 246-09-50; факс: (+99871) 246-76-00; e-mail: info@soil.uz

Диссертация билан Тупроқшунослик ва агрохимё илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ - рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100179, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 3-уй. Тел.: (+99871) 246-15-38

Диссертация автореферати 2019 йил «__» __ куни тарқатилди.
(2019 йил «__» ____ №__-рақамли баённомаси)

Р.Қ.Қўзиёев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
б.ф.д., профессор

Н.Ю.Абдурахмонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби,
б.ф.д., катта илмий ходим

М.М.Тошқузиёев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси б.ф.д.,
профессор

Кириш (Фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бугунги кунда дунё бўйича «ғўза 33 млн. гектар ерда экилиб, 35 млн. тонна ҳосил олинмоқда, буғдой 220,4 млн. гектар майдонда экилиб, ўртача дон ҳосили 31,1 ц/га ни, маккажўхори 183,3 млн. гектар майдонда парвариш қилиниб, ўртача ҳосилдорлик 49,0 ц/га ни, мош экини эса 20,1 млн гектарда етиштирилиб, ҳосилдорлиги 18,7 ц/га ни ташкил этади»¹. Қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ва сифатли ҳосил олишда, экинларни турлари, экиш муддатлари, тупроқ-иқлим шароитлари, минерал ўғит меъёрлари ва қўллаш муддатларини тўғри белгилаш муҳим аҳамият касб этади.

Дунёда кузги буғдойдан сўнг такрорий экинларни етиштиришда тупроқ-иқлим шароитларидан келиб чиққан ҳолда минерал ўғитларни қўллаш меъёрлари ва муддатларини тўғри белгилаш ҳамда ўғитлардан самарали фойдаланиш усуллари ишлаб чиқиш орқали тупроқ унумдорлигини сақлаш, ошириш ва юқори ҳосил олиш бўйича бир қатор устувор йўналишларда илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада суғориладиган майдонлардан самарали фойдаланишда кузги бошоқли дон экинларидан бўшаган майдонларга такрорий экинларни жойлаштириш, тупроқларнинг агрокимёвий хоссаларини яхшилаш, келгуси йили экиладиган ғўзани яхши ўсиш ривожланиши учун маъдан ўғитларнинг мақбул меъёрлари ва муддатларини белгилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамызда дон ва унинг маҳсулотларига бўлган талаб йилдан-йилга жадал ўсиб бормоқда. Мавжуд эҳтиёжларни тўлиқ қондириш учун дончиликни изчил ривожлантириш талаб этади. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалиги экинларининг янги ва серҳосил навларини турли тупроқ-иқлим шароитларида синаш, навларнинг озика моддаларга, навбатлаб экишга, сувга ва бошқа етиштириш омилларига бўлган талабини аниқлаш бўйича кенг қамровли илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало сув ва сув ресурсларини тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш»² бўйича муҳим стратегик вазифалар белгилаб берилган. Шу сабабли кузги буғдой, такрорий экинда қўлланилган минерал ўғитлар меъёрларига боғлиқ ҳолда келгуси йили экиладиган ғўзани ўсиш ривожланиши ва пахта толасининг технологик кўрсаткичларини яхшилашда мақбул маъдан ўғитларни белгилаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3281-сон «2018 йилда қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш чора-тадбирлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари

¹www.embrapa.br

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги” ги Фармони.

етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида»ги ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамизнинг турли тупроқ-иқлим шароитларида кузги буғдойдан юқори ва сифатли дон ҳосили олишда минерал ўғитларнинг мақбул меъёрларини қўллаш бўйича Б.Халиков, Ж.Қўзиев, Н.Ўразматов, Н.Ибрагимов, Р.Сидиқов, Б.Азизов, Ш.Абдурахмонов, С.Абдурахмонов, М.Ўрмонова, Х.Бозоров, Ю.Джуманиязова ҳамда кузги буғдойдан сўнг такрорий экинларни парваришlash бўйича Р.Тиллаев, Б.Холиков, Б.Ниёзалиев, М.Тожиев, У.Неъматов, А.Иминов, А.Мансуров, М.Назаров, Р.Қодиров, С.Турсунов, А.Турғунов, Ф.Бобоев, Ф.Хасанова, И.Карабаевлар томонидан илмий-тадқиқотлар олиб борилган. Ғўзада эса П.В.Протасов, Ч.И.Яровенко, И.И.Мадраимов, Ф.К.Қодирхўжаев, Қ.М.Мирзажанов, Б.Х.Тиллабеков, И.М.Ибрагимов, Б.И.Ниязалиев, Ж.И.Исмойилов ва бошқа олимлар томонидан кўплаб илмий-тадқиқот ишлари бажарилган. Лекин, Тошкент вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида ғўза-ғалла алмашлаб экиш тизимларида, ғўза ва такрорий экинларда қўлланилган маъдан ўғит меъёрларини тупроқ ва ўсимликдаги агрокимёвий ўзгаришларга ва экинлар ҳосилдорлигига бўлган таъсирини аниқлаш борасида изланишлар етарлича ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ҚХА-7-015-II. «Кузги буғдой-такрорий экин-ғўза алмашлаб экиш тизимида минерал ўғитлар меъёрларини самарадорлигини ўрганиш ҳамда азот ўғитининг (нишонланган ¹⁵N қўллаб) мувозанатини аниқлаш» мавзусидаги (2009-2011 йй.) амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Тошкент вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида кузги буғдой, такрорий (маккажўхори, мош) экинларда қўлланилган минерал ўғитларнинг фонида келгуси йили экиладиган ғўзадан юқори ва сифатли ҳосил олишни таъминлаш мақсадида минерал ўғитлар билан мақбул озиклантириш меъёрларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кузги буғдой (*Triticum aestivum*), мош (*Phaseolus aureus*), маккажўхори (*Zea mays*) ва ғўза (*Gossypium hirsutum*) тизимида маъдан ўғитларнинг турли меъёрлари қўлланилганда экинларнинг ривожланиш давлари бўйлаб тупроқ ва ўсимлик бўлакларида озиқа модда миқдорларини аниқлаш;

экинларда NPK меъёрларига боғлиқ ҳолда озика моддаларининг тўпланиши, (тупроқ ва ўсимликларда) ва уларнинг ҳосилдорлигига ва сифатига таъсирини ўрганиш;

такрорий экинлардан қоладиган анғиз-илдиз қолдиқлари, улар таркибидаги умумий NPK ҳамда тупроқда тўпланадиган чиринди, умумий ва ҳаракатчан NPK миқдорларини аниқлаш;

навбатлаб экиш тизимларида ўрганилаётган такрорий ҳамда ғўза экинларининг ўсиши ва ривожланишини, биометрик кўрсаткичларининг ўзгаришини кузатиш;

кузги буғдой, такрорий экинлар ва ғўзада қўлланиладиган минерал ўғитларнинг мақбул меъёрларини аниқлаш;

экинлардан олинган ҳосил маълумотларини статистик таҳлил қилиш ва экинларда қўлланилган агротехнологияларни иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқлари, кузги буғдойнинг «Москвич», мошнинг «Победа 104», маккажўхорининг «Ўзбекистон 306 ЕСБ» ва ғўзанинг «Наврўз» нави ҳамда минерал ўғитлардан Аммиакли селитра (N 34%), Мочевина (N 46%), Суперфосфат (P_2O_5 20 %) ва Калий хлорид (K_2O 56-60%) танланган.

Тадқиқотнинг предмети Тошкент вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқларидан йил давомида фойдаланиш, такрорий экинлардан кейин тупроқни агрокимёвий хоссаларининг ўзгариши ва келгуси йили экиладиган ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ҳамда маъдан ўғитларнинг иқтисодий самарадорлиги ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тажриба ўтказиш, фенологик кузатув, тупроқ ва ўсимлик намуналарини олиш «Методика полевых опытов» ва «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» қўлланмаларига асосан ўтказилган. Тупроқ намуналаридаги чиринди, NPK умумий ва ҳаракатчан турлари миқдорлари «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах» ва «Методы агрохимических анализов почв и растений Средней Азии» усулномаларига биноан амалга оширилган. Дала тажрибаларда кузги буғдой, такрорий экинлардан сўнг ғўза ҳосилини етиштириш учун сарфланган ҳаражатлар ва олинган шартли соф фойдани математик-статистик ишлов бериш Microsoft Excel дастури ёрдамида Б.А.Доспехов услубий қўлланмалари ҳамда экинларни парваришlashда суғориш усуллариининг иқтисодий самарадорлиги Н.А.Баранов усули асосида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида кузги буғдойда қўлланиладиган минерал ўғитларнинг мақбул меъёрлари аниқланган;

кузги буғдойдан бўшаган майдонларда такрорий экинлардан (маккажўхори ва мош) юқори ва сифатли ҳосил олишни таъминлаш мақсадида минерал ўғитларнинг мақбул меъёрлари аниқланган;

такрорий маккажўхори ва мошда қўлланилган минерал ўғитларнинг мақбул фонларида келгуси йилда экилган ғўзанинг ўсиши, ривожланиши, қуруқ

масса тўплаши, пахта ҳосили ва толанинг технологик сифат кўрсаткичларини яхшиланиши учун озиқа тартиблари ишлаб чиқилган;

типик бўз тупроқлар шароитида кузги буғдой, такрорий экилган маккажўхори ва мошда ҳамда келгуси йили экиладиган ғўзада қўлланилган минерал ўғит меъёрларининг иқтисодий самарадорлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида кузги буғдой, такрорий экин сифатида экилган мош ва маккажўхори ҳамда келгуси йили экиладиган ғўзада мақбул минерал ўғитларни қўллаш тизимлари ишлаб чиқилган;

кузги буғдойда $N_{180}P_{125}K_{90}$ кг/га меъёрда қўлланилганда 61,6 ц/га, ундан сўнг мошни $N_{25}P_{80}K_{60}$ кг/га тартибда озиқлантирилганда 11,3 ц/га, маккажўхорини $N_{180}P_{120}K_{90}$ кг/га озиқлантирилганда 23,2 ц/га дон ҳосили олинган. Такрорий экин экилмасдан шудгорлаб қўйилиб, келгуси йили ғўза экилганда минерал ўғит меъёрлари $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га қўлланилганда 38,0 ц/га, маккажўхоридан сўнг $N_{250}P_{175}K_{125}$ кг/га озиқлантирилганда 38,1 ц/га, мош экинидан кейин ғўзага $N_{150}P_{100}K_{75}$ кг/га қўланилганда 39,8 ц/га пахта ҳосили олиниб энг юқори натижаларга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Турли агротадбирлар таъсирида кузги буғдой ва такрорий экинлар, ғўзани ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлик натижалари ишончлилиги вариацион статистик услублар билан тасдиқланганлиги, кузги буғдой, такрорий экинларда минерал ўғит меъёрларига боғлиқ ҳолда келгуси йили экилган ғўзадан юқори пахта ҳосил олишга эришилганлиги, тадқиқот натижалари халқаро ва маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, олинган қонуниятларга хос хулосалар асосланганлиги, мутахассислар томонидан ижобий баҳоланганлиги ва ишлаб чиқаришга кенг жорий этилганлиги, Республика ва Халқаро илмий конференцияларда муҳокама қилинганлиги ушбу натижаларнинг ишонччилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қисқа навбатлаб (1:1) экиш тизимида кузги буғдой, такрорий экинлар (мош, маккажўхори) нинг минерал ўғитлар меъёрларига боғлиқ ҳолда юқори дон ҳосил олишга эришилиши билан бирга келгуси йили экиладиган ғўзада мақбул минерал ўғит меъёрлари илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида кузги буғдойда $N_{180}P_{125}K_{90}$ кг/га, такрорий экин сифатида экилган мошда $N_{25}P_{80}K_{60}$ кг/га, такрорий маккажўхорида эса $N_{180}P_{120}K_{90}$ кг/га минерал ўғитлар қўллаш, мошдан сўнг келгуси йили экилган ғўзани мақбул озиқлантириш меъёри $N_{150}P_{100}K_{75}$ кг/га, такрорий маккажўхоридан кейин эса ғўзага йиллик минерал ўғитлар $N_{250}P_{175}K_{125}$ кг/га меъёрларини қўллаш кераклиги бўйича тавсиялар билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тошкент вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида ғўза ва унинг мажмуидаги экинларда қўлланилган маъдан ўғит меъёрларининг самарадорлиги бўйича олинган илмий натижалар асосида:

пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари учун “Ўза ва кузги бугдойда ўғитларни қўллаш бўйича тавсиялар” ишлаб чиқилган ва Бўка туманига 331 гектар, ПСУЕАИТИ нинг марказий тажриба хўжалигида 10 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 12 августдаги 02/021-1710-сон маълумотномаси). Натижада кузги бугдойдан 10-12 ц/га қўшимча дон ҳосили олишга эришилган;

такрорий экилган маккажўхори ва мош экинлардан юқори дон ҳосили олиш агротадбирлари ишлаб чиқилган ва Бўка туманида маккажўхори 123 гектар, мош 208 гектар, ПСУЕАИТИ нинг марказий тажриба хўжалигида мош 5 га, маккажўхори ҳам 5 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 12 августдаги 02/021-1710-сон маълумотномаси). Натижада маккажўхоридан дон ҳосили 5-8 ц/га, пичан ҳосили 80 ц/га, мошдан эса 2-4 ц/га қўшимча дон ҳосили олиниб, рентабеллик даражаси 35-40 фоизни ташкил қилишига эришилган;

такрорий экин маккажўхоридан кейин экилган ғўзани озиклантиришда мақбул минерал ўғит меъёрлари ишлаб чиқилган ва Бўка туманида 123 гектарга ҳамда ПСУЕАИТИ нинг марказий тажриба хўжалигида 5 гектар майдонда амалиётга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 12 августдаги 02/021-1710-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида ғўзани бўйи, ҳосил шохлари, кўсаклар сонининг ортишига ижобий таъсир кўрсатиб, 3-4 ц/га қўшимча пахта ҳосили олишга эришилган;

такрорий мошдан кейин экилган ғўзага минерал ўғитларни қўллаш меъёрлари ишлаб чиқилган ва Бўка туманида 208 гектарга ва ПСУЕАИТИ нинг марказий тажриба хўжалигида 5 гектар ер майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 12 августдаги 02/021-1710-сон маълумотномаси). Натижада қўшимча пахта ҳосили 5,4 ц/га ни, рентабеллик даражаси 25-30 фоизни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларини апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 5 та, жумладан 4 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги. Илмий изланишларни маълумотлари асосида 1 та тавсия ва жами 9 та илмий мақолалар чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг диссертациялар асосида илмий натижаларни чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, шундан 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объект ва предметлари

тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўза ва унинг мажмуидаги экинларда маъдан ўғитларнинг қўллаш самарадорлиги**» номли биринчи бобининг «Кузги буғдойни ўғитлаш самарадорлиги» деб номланган биринчи бўлимида кузги буғдойни маъданли озиклантириш бўйича олиб борилган хорижий ва маҳаллий тадқиқотлар натижалари, адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Шу бобнинг «Тупроқ унумдорлигини оширишда такрорий экинларнинг аҳамияти» номли бўлимида такрорий экинлардан маккажўхори ва дон дуккакли экинларни кузги буғдойдан кейин такрорий экин сифатида етиштиришда қўлланиладиган минерал ўғитларнинг йиллик меъёрлари ва парваришлаш агротехнологиялари тўғрисида илмий маълумотлар баён этилиб, тупроқ унумдорлигини сақлаш, ошириш ҳамда такрорий экинлардан сифатли ва юқори ҳосил олишни таъминловчи ўғитлар меъёрларини ишлаб чиқиш зарурати юзасидан хулоса берилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқотларнинг тупроқ-иқлим ва услубий шароитлари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар ўтказилган ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитлари ва тадқиқот ўтказиш услублари, тажриба тизими, бажарилган агротехник тадбирлар бўйича маълумотлар келтирилган бўлиб, тажрибалар ўтказилган типик бўз тупроқларни сизот сув сатҳи 18-20 м атрофида бўлиб, куруқ қолдиқ 0,064-0,04 % оралиғида, $Cl-003\%$, карбонатлар миқдори (CO_2)- 7,80 дан 7,74% оралиғида. Тажрибалар ҳар йили янги далада ўтказилган бўлсада, лекин далани дастлабки агрохимёвий маълумотлари бир-бирига яқин бўлди, тажриба даласи тупроғи ҳайдов (0-30 см) ва остки (30-50 см) қатламларида умумий чиринди миқдори мутаносиб равишда (2008 йил) 1,071 ва 0,995%, озиқа моддаларнинг умумий шакллари, яъни азот 0,105 ва 0,095; фосфор 0,111 ва 0,090 ҳамда калий 1,846 ва 1,230% ни, ҳаракатчан шакллари, яъни $N-NO_3$ 10,9 ва 8,7; P_2O_5 18,0 ва 12,2 ва K_2O 250 ва 135 мг/кг ни ташкил этган.

2009-2011 йилларда ўртача фойдали ҳарорат йиғиндиси апрель ойида $200^{\circ}C$, бу кўп йилликка нисбатан (143) $57^{\circ}C$ га кам бўлганлиги маълум бўлди. Май ойига келиб $328^{\circ}C$, кўп йилликларда $311^{\circ}C$ ни, июнь ойида ҳам фойдали ҳарорат йиғиндиси $460^{\circ}C$, кўп йилликларда бу кўрсаткич $463^{\circ}C$ га тенг бўлиб, яъни бу ойда ҳам йилликка нисбатан $3^{\circ}C$ кам бўлганлиги кузатилди. Умуман олганда йиллар бўйича фойдали ҳарорат бир-бирига яқин бўлганлиги учун экинларда қўлланилган агротехник тадбирларнинг муддати ва улардан олинган ҳосил маълумотлари ҳам бир-биридан деярли катта фарқ қилмади. Экинлар ҳосили ўз муддатларида йиғиб-тегиб олинган.

Тажриба ўтказиш, фенологик кузатув, тупроқ ва ўсимлик намуналарини олиш «Методы полевых опытов с хлопчатником в условиях орошений», «Методика полевого опыта», «Методика Государственного сорта испытания

сельскохозяйственных культур» ва «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» қўлланмаларига асосан ўтказилган. Тупроқ намуналаридаги чиринди, NPK умумий ҳаракатчан турлари миқдорлари «Методы агрохимических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах» ва «Методы агрохимических анализов почв и растений Средней Азии» қўлланмаларига биноан амалга оширилган.

Диссертациянинг «Кузги буғдой ва такрорий экинлар (маккажўхори ва мош) да қўлланилган маъдан ўғитларнинг самарадорлиги» номли учинчи бобида, кузги буғдойнинг амал даври охирида тупроқдаги $N-NO_3$, P_2O_5 ва K_2O миқдорлари, қўлланилган маъдан ўғит меъёрлари асосида кузги буғдойнинг 1 гектар майдондан NPK ни ўзлаштириши ва шу билан бирга 1 тонна дон ҳосили учун сарфланиши, кузги буғдойнинг ўсиши ва ривожланиши, курук модда тўплаши, дон ва сомон ҳосили тўғрисида илмий асосланган маълумотлар келтирилган.

Маъдан ўғитлар $N_{120}P_{80}K_{60}$ кг/га меъёрида қўлланилган I-фонда нитратли азот миқдорини озроқ миқдорда бўлса ҳам камайганлиги, қўлланилган 120 кг азот кузги буғдойни мақбул озикланиши учун етарли бўлмаганлиги ўсимликлар тупроқдан азотини ўзлаштирганлигини кўрсатади. Маъдан ўғитлари $N_{180}P_{120}K_{90}$ кг/га миқдорда қўлланилган II-фонда тупроқдаги (NO_3) кўрсаткичлар мутаносиб равишда 9,8; 8,0; 6,8 ва 5,7 мг/кг ни ташкил этган ҳолда дастлабки ҳолатидан (0-30 ва 30-50 см) 0,2 ва 0,2 мг/кг ни, $N_{120}P_{80}K_{60}$ кг/га қўлланилган I-фонга нисбатан эса 0,8- 0,2 мг/кг га юқори бўлганлиги аниқланган.

Маъдан ўғитлар $N_{240}P_{160}K_{120}$ кг/га миқдорда қўлланилган III-фонда тупроқнинг 0-30 ва 30-50 см қатламларида нитратли азот миқдори мутаносиб равишда 10,8 ва 9,6 мг/кг ни ташкил этиб, дастлабки ҳолатидан 0,8 ва 1,8 мг/кг га ортганлиги аниқланди. Қолаверса, бу кўрсаткичлар $N_{180}P_{120}K_{90}$ кг/га миқдорида қўлланилган II-фон га нисбатан 1,0 ва 1,6 мг/кг юқори бўлганлиги ўғит меъёрларини кузги буғдой учун бироз ортиқча эканлигини билдиради.

Тажрибада ҳаракатчан фосфор ва алмашинувчан калий миқдорларининг тупроқдаги ўзгариши ҳам нитратли азот каби бўлганлиги кузатилган. Лекин бу борада шуни айтиш керакки, ҳаракатчан фосфorni миқдори N_{120} кг/га қўлланилганда 0,5-0,8 мг/кг га камайган бўлса, N_{180} ва N_{240} кг/га қўлланилганда 0,5 ва 1,0 мг/кг га ортган ҳолда, алмашинувчи калийни миқдорлари барча вариантларда ҳам камайганлиги аниқланган.

2011-йил шароитида (3-дала) олинган маълумотларга қараганда, маъдан ўғитларни $N_{120}P_{80}K_{60}$ кг/га қўлланилган I-фонда кузги буғдой 1 гектар майдондан 140,7 кг азот, 41,4 кг фосфор ва калий 150, 1 кг калийни ўзлаштирган ҳолда 1 тонна дон ҳосили учун 25,2 кг азот, 7,4 кг фосфор ва 29,9 кг калийни сарфланганлиги аниқланган. Бунда кузги буғдой 1 тонна дон ҳосили учун сарфлаган меъёри ғўзага нисбатан деярли икки баробар камроқ эканлиги кузатилган. Маъдан ўғитлар $N_{180}P_{120}K_{90}$ кг/га меъёрида қўлланилган II-фонда бу кўрсаткичлар мутаносиб равишда гектарига 16,9; 95,0; 18,0 ва 27,2; 7,5; 28,8 кг ни ташкил этган ҳолда I-фонга нисбатан 28,8; 4,5; 29,9 кг/га ва 2,0; 1,9 кг/га юқори бўлганлиги аниқланди (1-жадвал).

Қўлланилган маъдан ўғит меъёрлари асосида кузги буғдойнинг 1 гектар майдонидан NPK ни ўзлаштириши 1 тонна дон ҳосили учун сарфланиши (2011 йил)


Фонлар	Кузги буғдойга қўлланилган ўғит меъёрлари, кг/га			1 гектардан ўзлаштирилиши, кг/га			1 тонна дон ҳосили		
	N	P	K	N	P	K	N	P	K
I	120	80	60	140,7	41,4	150,1	25,2	7,4	26,9
II	180	120	90	169,5	45,9	180,0	27,2	7,5	28,8
III	240	160	120	175,0	50,2	191,8	27,6	7,9	30,5

III-фонда ($N_{240}P_{160}K_{120}$) NPK ни 1 гектар майдондан ўзлаштирилиши мутаносиб равишда 175,0; 50,2; 191, 8 кг/га ни, 1 тонна дон ҳосили учун сарфланган 27,6; 7,9 ва 30,5 кг ни ташкил этиб, II-фонга нисбатан 4,5; 4,3; 11,8 кг/га ва 1,4; 0,4; 1,5 кг га кўпроқ бўлганлиги аниқланди. Лекин тажрибада мақбул кўрсаткичлар $N_{180}P_{120}K_{90}$ кг/га фонида олинган.

Фенологик кузатув натижаларига кўра, маъдан ўғитларни $N_{180}P_{120}K_{90}$ кг/га меъёрида қўлланилган II-фонда мақбул кўрсаткичлар олинб, ўсимликларни ўртача баландлиги кузатув муддатларига мутаносиб равишда 47,8; 67,4; ва 91,5 см ни ташкил этиб, $N_{120}P_{80}K_{60}$ кг/га меъёрида қўлланилган I-фонга нисбатан 2,5; 4,0 ва 5,8 см га юқори бўлган.

Бу албатта қўлланилган ўғит миқдорларига, қолаверса ўсимликларни озика унсурларини ўзлаштириш даражасига ҳам боғлиқ. Бу фонда (II) кузги буғдойнинг 1 м² майдондаги умумий поялар сони 478,2 донани, маҳсулдорлари 454,3 дона ташкил этган ҳолда I-фонга нисбатан 49,9 ва 29,9 донага юқори бўлган, қолаверса бу охириги кўрсаткич 2009 ва 2010 йиллардан (II-фонга) нисбатан ҳам мутаносиб равишда 1,3 ва 6,0 донага кўпроқ бўлганлиги аниқланган. Бу ҳолат кузги буғдойни дон ҳосили кўрсаткичларида ҳам ўз ифодасини топган. Маъдан ўғитларни $N_{240}P_{160}K_{120}$ кг/га меъёрида қўлланилган III-фонда кузги буғдой бўйи 47,8; 71,2 ва 96,1 см, умумий поялар 493 м²/дона, маҳсулдорлари эса 461,5 м²/донани ташкил этиб, II-фонга нисбатан мутаносиб равишда 1,8; 3,8; 4,6 см ва 15,2; 7,2 донага юқори бўлган, лекин охириги кўрсаткичнинг I-II фонлар орасидаги фарқланиш 29,9 донага тенглиги учун, нисбатан мақбул озикланиш шароитларидан $N_{180}P_{120}K_{90}$ кг/га меъёрида қўлланилганда яхши натижалар олинган.

Тажрибада қўлланилган маъдан ўғит меъёрларининг кузги буғдой ўртача дон ҳосилига таъсири бўйича олинган маълумотлар 1-расмда келтирилган. Тадқиқотларда кузги буғдойда яратилган 3 та фон бўйича тақрорий экин маккажўхорида қўлланилган маъдан ўғитларнинг самарадорлиги аниқланган. Маккажўхорининг амал даври охирида тупроқдаги нитратли азот миқдори 0-30 ва 30-50 см қатламларда мутаносиб равишда 8,6-7,6 мг/кг ни, P_2O_5 19,8-13,1 мг/кг, K_2O 230-180 мг/кг ни ташкил этиб, I-фондаги параллел назоратдан 1,6-1,5 мг/кг, 0,8-0,6 мг/кг ва 10-0,0 мг/кг фарқланганлиги кузатилган.



**1-расм. Кузги буғдойнинг
3 йиллик ўртача дон ҳосили, ц/га**

донага тенг бўлганлиги кузатилган. Бунда амал даври охирида ўсимлик бўйи 160,5 см, сўталар сони 1,5 донани ташкил этиб, I-фондаги параллел вариантга (2) нисбатан 10 см ва 0,3 донага юқорилигини аввалги қўлланилган ўғитларни сўнги таъсири натижаси билан боғлаш мумкин.

Кузги буғдойга яратилган I-фонда маккажўхорида маъдан ўғитлари $N_{120}P_{80}K_{60}$ кг/га меъёрида қўлланилганда, дон ҳосили тадқиқот йилларига мутаносиб равишда 12,3; 11,7 ва 11,2 ц/га ни, 3 йилда ўртача эса 11,7 ц/га ни ташкил этган. Маъдан ўғитлар $N_{180}P_{120}K_{90}$ кг/га қўлланилган 2 вариантда уч йилда ўртача дон ҳосили 14,8 ц/га ни ташкил этган ҳолда, 1 вариантга нисбатан қўшимча мутаносиб равишда 3,1 ц/га ни ташкил этган. Маъдан ўғитлар $N_{240}P_{160}K_{120}$ кг/га ортиши билан қўшимча дон ҳосили 4,6 ц/га, олинганлиги кузатилган.

Бу 2 ва 3 вариантлар орасидаги ўғит меъёрлари ортиши ҳисобига 1,5 ц/га қўшимча ҳосил олинган бўлса, 1 ва 2 вариантлар орасида эса тегишлича 3,1 ц/га фарқланган. Демак, I-фонда такрорий экин маккажўхорининг нисбатан мақбул дон етиштириш учун маъдан ўғитлар $N_{180}P_{120}K_{90}$ кг/га меъёрида қўллаш кераклиги аниқланган (2-жадвал).

2-жадвал

**Такрорий экин маккажўхорининг маъдан ўғит меъёрларига боғлиқ
ҳолда дон ҳосили (ц/га)**

Кузги буғдойда қўлланилган ўғитлар, ФОН	Вариант лар	дон ҳосили			3 йилда ўртача	қўшимчаси
		2009 йил	2010 йил	2011 йил		
$N_{120}P_{80}K_{60}$	$N_{120}P_{80}K_{60}$	12,3	11,7	11,2	11,7	-
	$N_{180}P_{120}K_{90}$	15,6	14,5	14,3	14,8	3,1
	$N_{240}P_{160}K_{120}$	15,9	15,9	16,1	16,3	4,6
$N_{180}P_{120}K_{90}$	$N_{120}P_{80}K_{60}$	21,3	20,5	19,1	20,3	+8,6
	$N_{180}P_{120}K_{90}$	22,8	23,4	23,4	23,2	+8,4
	$N_{240}P_{160}K_{120}$	24,1	23,0	23,7	23,6	+7,3
$N_{240}P_{160}K_{120}$	$N_{120}P_{80}K_{60}$	23,0	22,0	22,5	22,5	+10,3
	$N_{180}P_{120}K_{90}$	24,5	23,1	23,2	23,6	+8,8
	$N_{240}P_{160}K_{120}$	25,1	24,0	23,5	24,2	+7,9

$HC_{05} = 0,97$ ц/га

$HC_{05} = 4,87$ %

Кузги буғдойдан сўнг экилган мошнинг ривожланиш даври охирида тупроқнинг 0-30 ва 30-50 см қатламларидаги N-NO₃ миқдори 9,0; 7,8 мг/кг, P₂O₅ миқдори 17,6; 12,6 мг/кг ҳамда K₂O миқдори 220; 170 мг/кг ни ташкил этган бўлса, II ФОН да тупроқнинг 0-30 см қатламида озика моддаларнинг мақбул кўрсаткичи мошда N₂₅P₈₀K₆₀ кг/га қўлланилганда кузатилган.

Амал даврининг охирига келиб I-фондаги 1-3 вариантларда мош ўсимлиги бўйи мутаносиб равишда 51,7; 54,3 ва 55,0 см, дуккаклар сони эса 22,4; 23,8 ва 24,0 донани ташкил этди. Бунда нисбатан мақбул кўрсаткичлар 2 вариантда N₅₀P₁₀₀K₈₀ кг/га миқдорда қўлланилганда олинган. Ўғит меъёрлари N₇₅P₁₂₀K₈₀ кг/га ортиши билан ўсимлик баландлиги 0,7 см, дуккаклар сони эса 0,2 донага ортди холос.

Лекин кузги буғдойда қўлланилган ўғит меъёрлари (N₁₈₀P₁₂₀K₉₀ кг/га ўзгариши билан мошдаги мақбул меъёрлари камайиб N₂₅P₈₀K₆₀ кг/га тенг бўлган. Бу албатта кузги буғдойда қўлланилган ўғитларнинг сўнги таъсирига боғлиқлиги эришилган.

3-жадвал

Такрорий экин мошнинг маъдан ўғит меъёрларига боғлиқ ҳолда дон ҳосили (ц/га)

Кузги буғдойда қўлланилган ўғитлар ФОН и	Вариант-лар	дон ҳосили			3 йилда ўртача	Қўшимчаси
		2009 йил	2010 йил	2011 йил		
N ₁₂₀ P ₈₀ K ₆₀	N ₂₅ P ₈₀ K ₆₀	10,6	9,6	9,2	9,8	-
	N ₅₀ P ₁₀₀ K ₈₀	12,1	11,3	11,8	11,6	1,8
	N ₇₅ P ₁₂₀ K ₁₀₀	12,1	11,2	11,8	11,7	1,4
N ₁₈₀ P ₁₂₀ K ₉₀	N ₂₅ P ₈₀ K ₆₀	12,6	11,0	10,3	11,3	+1,5
	N ₅₀ P ₁₀₀ K ₈₀	12,3	11,0	11,5	11,6	+0
	N ₇₅ P ₁₂₀ K ₁₀₀	12,8	11,9	11,3	12,0	+0,3
N ₂₄₀ P ₁₆₀ K ₁₂₀	N ₂₅ P ₈₀ K ₆₀	11,3	10,8	10,3	10,8	+1
	N ₅₀ P ₁₀₀ K ₈₀	11,8	10,5	10,7	11,0	+0,6
	N ₇₅ P ₁₂₀ K ₁₀₀	12,0	10,6	11,2	11,6	-0,1

НСР₀₅ = 0,70 ц/га

НСР₀₅ = 4,83 %

Кузги буғдойдан кейин яратилган I-фонда мошда маъдан ўғитлари N₂₅P₈₀K₆₀ кг/га меъёрда қўлланилган 1 вариантга нисбатан дон ҳосили ўртача 3 йилда 9,8 ц/га ни ташкил қилган (3-жадвал). Бу эса N₅₀P₁₀₀K₈₀ кг/га қўлланилганда (2 вариант) 11,6 ц/га тенг бўлиб, 1 вариантга нисбатан 1,8 ц/га ортиқ бўлганлиги аниқланди.

Ўғит меъёрлари N₇₅P₁₂₀K₁₀₀ кг/га ортирилишида дон ҳосили 11,7 ц/га ни ташкил этиб, 2 вариантга нисбатан 0,1 ц/га юқори бўлди. Демак мош учун мақбул ўғит меъёрлари (I-фонда) N₅₀P₁₀₀K₈₀ кг/га эканлиги кузатилган. Кузги буғдойдан кейин яратилган II ва III фонларда мош учун мақбул ўғитлар меъёри N₂₅P₈₀K₆₀ кг/га эканлиги аниқланган. Бу (4 ва 7) вариантларда дон ҳосиллари 3 йилда ўртача 11,3 ва 10,8 ц/га ни ташкил этиб, 2 вариант кўрсаткичларига нисбатан 0,3 ва 0,8 ц/га кам бўлганлиги тупроқ унумдорлигини ўзгаришига боғлиқлигини кўрсатган.

Қисқа ротацияли (1:1) алмашлаб экишда кузги буғдой ва такрорий экинлар (маккажўхори ва мош) нинг тупроқда қолдирган анғиз ва илдиз қолдиқлари

ҳамда улар таркибидаги умумий NPK қолдиқларининг келгуси экин ғўзадаги таъсири сезиларли бўлганлиги аниқланган (4-жадвал).

Таъкидлаш жоизки, ҳар бир экин тури учун мақбул бўлган ўғит миқдорларининг таъсири кўрсатилган. Масалан кузги буғдойда $N_{180}P_{120}K_{90}$ кг/га қўлланилганда илдиз қолдиқлари 14,5 ц/га, анғизиники эса 19,8 ц/га ни, жами 34,3 ц/гани ташкил этган. Бу қолдиқлар таркибида 1,14% умумий азот, 0,99 % фосфор ва 2,19% калий борлиги таҳлил этилган ва гектарига 39,1 кг азот қолганлиги аниқланган.

Демак кузги буғдой тупроқдан (60 ц/га ҳосил учун) 140-175 кг/га азотни ўзлаштирадиган бўлса ҳам, ўзидан кейин яна 39,1 кг азот қолдириши аниқланган.

4-жадвал

Кузги буғдой ва такрорий экинлар (маккажўхори ва мош) нинг тупроқда қолдирган анғиз ва илдиз қолдиқлар (0-30см) ва улар таркибидаги умумий NPK миқдорлари %, 2009-2011 йиллар, (1- дала)

Ғўзадаги вариантлар	Кузги буғдой фонлари	Такрорий экинларда қўлланилган ўғит меъёрлари кг/га	Қолган масса	ц/га	Озиқа модда миқдорлари, %		
					N	P	K
1-3	$N_{180}P_{120}K_{90}$	Кузги буғдойдан сўнг шудгор қилинган	анғиз	14,5	0,700	0,610	1,200
			илдиз	19,8	0,420	0,310	0,490
			жами	34,3	1,140	0,920	2,190
			тупроқда қолган	кг/га	39,1	31,6	75,1
4-6	$N_{180}P_{120}K_{90}$	Такрорий маккажўхорида $N_{180}P_{120}K_{90}$	анғиз	19,8	0,240	0,120	0,100
			илдиз	33,4	0,170	0,300	1,200
			жами	53,2	0,410	0,920	1,200
			тупроқда қолган	кг/га	21,4	44,0	62,6
7-9	$N_{180}P_{120}K_{90}$	Такрорий мошда $N_{25}P_{80}K_{60}$	анғиз	11,0	0,680	1,180	1,200
			илдиз	14,1	0,910	0,840	1,300
			жами	25,1	1,800	1,620	2,540
			тупроқда қолган	кг/га	77,6	48,0	107,8

Такрорий экин маккажўхорида мақбул ўғит меъёрлари $N_{180}P_{120}K_{90}$ кг/га бўлиб, бу вариантларда 19,8 ц/га анғиз ва 33,4 ц/га илдиз, жами 53,2 ц/га қолдиқ қолган ҳолда таркибида (жами) 0,410% азот, 0,920% фосфор ва 1,200% калий бўлиб, 1 гектарда 21,4 кг азот қолганлиги аниқланган.

Мош экинида мақбул ўғит меъёрлари $N_{25}P_{80}K_{60}$ кг/га бўлиб, бу вариантларда 11,0 ц/га анғиз ва 14,1 ц/га илдиз, жами 25,1 ц/га қолдиқ қолган ҳолда таркибида (жами) 0,680% азот, 1,180 % фосфор ва 1,300 % калий бор бўлиб, 1 гектарда 77,6 кг азот қолганлиги аниқланган.

Диссертациянинг «Қисқа ротацияли навбатлаб экиш (1:1) тизимида экилган ғўзанинг маъдан ўғит миқдорида боғлиқ ҳолда пахта ҳосили» деб номланган тўтинчи бобида, тупроқда нитратли азот, ҳаракатчан фосфор ва алмашинувчан калий динамикаси, ғўза бўлакларида умумий азот, фосфор ва калий миқдорлари, ғўзани 1 гектар ердан NPK ни ўзлаштирилиши ва 1 тонна пахта ҳосил учун сарфланиши, ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши, қуруқ масса тўплаши, бир чанок пахтаси вазнининг ўзгариши, ҳақиқий кўчат қалинлиги,

вилт касалигига чалиниш даражаси, пахта ҳосили ва толасини технологик сифат кўраткичлари бўйича олинган илмий маълумотлар келтирилган.

Такрорий экин экилмаган ФОН да (1-3-вариантлар) ғўзада маъдан ўғитлар $N_{150}P_{105}K_{75}$ кг/га қилиб белгиланган 1-вариантда 2-3-чин баргли даврда тупроқнинг 0-30 ва 30-50 см қатламларида ҳаракатчан фосфор миқдори 21,5 ва 14,1 мг/кг ни ташкил этиб, дастлабки ҳолатидан 1,0 ва 0,1 мг/кг га камроқ бўлди. Маъдан ўғитларнинг меъёрлари $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га дан $N_{250}P_{175}K_{125}$ кг/га ортиши билан тупроқдаги ҳаракатчан фосфор миқдори ҳам мутаносиб равишда 22,0; 14,0 ва 22,5-14,2 мг/кг ни ташкил этган. Кузда қўлланилган ўғит меъёрлари (P_2O_5) ортиши билан тупроқдаги ҳаракатчан фосфор миқдори ҳам 0,5-1,0 ва 0,1-0,2 мг/кг га ортганлиги аниқланди.

Демак таъкидлаш жоизки, ҳаракатчан фосфор миқдори маккажўхоридан кейин мутаносиб равишда 0,1; 0,3 ва 0,5 мг/га камайган бўлса, (I-фонга нисбатан), мошдан кейин 1,9 мг/кг га ортганлиги аниқланган. Бу охириги учта кўрсаткичлар дастлабки ҳолатидан 1,0; 1,5 ва 1,7 мг/кг га ортиқча бўлган. Кузги буғдойдан кейин фосфорли ўғитлар 100 кг/га, маккажўхоридан кейин 175 кг/га мошдан кейин эса, 105 кг/га P_2O_5 га қўлланилганда мақбул фосфорли озиклантириш юзага келиши аниқланди.

Қўлланилган маъдан ўғитларнинг меъёрлари кузги буғдойдан кейин экилган вариантларда $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га дан $N_{250}P_{175}K_{125}$ кг/га ортиши билан (2 ва 3 вариант) ларда ғўзанинг гуллаш даврларида тупроқдаги алмашинувчи калий миқдорлари (0-30 ва 30-50 см) 225-120 ва 230 -120 мг/кг ташкил этиб, дастлабки ҳолатидан 5-10 мг/кг га ортган бўлса ҳам, пишиш даврига келиб бу кўрсаткичлар 195-110 ва 210-110 мг/кг га камайди ва дастлабки ҳолатидан сезиларли даражада камайганлиги аниқланган. Ахамият бериш керакки, ҳайдов остки (30-50 см) қатламда алмашинувчи калийни камайтириш кузатилди. Маккажўхоридан кейин ғўза экилган (4-6) вариантларда пишиш даврига келиб нисбатан юқори кўрсаткичлар $N_{250}P_{175}K_{125}$ кг/га меъёрда қўлланилганда кузатилиб, (7-9) вариантларда эса, нисбатан юқори кўрсаткичлар 220-240-110-120 мг/кг ни ташкил этган.

Тупроқдаги нитратли азот миқдорлари ортганлиги барча вариантларда ҳам ғўзани гуллаш даврига тўғри келган. Такрорий экин экилмаган (1-3) вариантларда қўлланилган меъёрларга мутаносиб равишда ҳайдов қатламида $N-NO_3$ миқдорлари 13,1; 14,1 ва 15,1 мг/кг ни ташкил этди. Қўлланилган азот 150 кг/га дан 250 кг/га ортиши билан нитратлар миқдори 2,0 мг/кг кўпайган, бу ҳолат ғўза амал даврида ҳам сақланган ҳолда 11,2; 12,6; ва 13,0 мг/га тенг бўлган, ёки гуллаш давридагига нисбатан 0,9; 1,5 ва 2,1 мг/га камайтириш, бу ўсимлик минерал азотни ўзлаштиришига боғлиқ.

Уч йилликдан ўртачасига кўра кузги буғдойдан кейин ғўза экилиб $N_{150}P_{105}K_{75}$ кг/га меъёрларда қўлланилган 1 вариантда ғўза 1 гектардан 139,3 кг азот, 66 кг фосфор ва 142 кг калийни ўзлаштирган (5-жадвал).

